“O’zagrolizing” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁНИ

2021 йил 5 март **№ 01/2021** **Тошкент шаҳри**

Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар зали.

Санаси ва вақти: 5 март 2021 йил, соат 10:00.

Йиғилишга раислик қилди:

Ў.Хайдаров – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги етакчи мутахассиси.

“O’zagrolizing” акциядорлик жамиятининг асосий фаолияти республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг хизматларини кўрсатишдан иборат бўлиб, мазкур жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарори асосида ташкил этилган, Ҳукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарорига мувофиқ эса унинг вазифалари кенгайтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929-сонли қарорига биноан “O’zagrolizing” АЖ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқарилди.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 9 февралдаги 274-сонли қарори умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Жамиятнинг Ташқи иқтисодий алоқалар ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи Б.Валиев сўзга чиқиб, бугунги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан Ў.Хайдаров – умумий йиғилиш раиси, Ш.Махмудов ва Б.Каримов умумий йиғилиш Раёсати аъзолари ҳамда Б.Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

3. Жамият Бошқарув раисини сайлаш.

4. Жамият ташкилий ва ижроия аппарати тузилмасини янгидан тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган дивиденд сиёсатини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги ҳисобот ва ахборотлар эшитилди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ў.Хайдаров сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 9 февралдаги 274-сонли қарорига асосан Саноқ комиссияси 3 кишидан, яъни Сайфуллаев Одилхон Собитхон ўғли, Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович ва Салимов Набижон Қобилжон ўғлидан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда очиқ овоз бериш йўли билан сўралди.

Мазкур Саноқ комиссияси раиси этиб О.Сайфуллаев сайланганлиги тўғрисидаги 2021 йил 5 мартдаги 1-сонли баённомаси умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Саноқ комиссияси томонидан умумий йиғилишда жамиятнинг 38 280 128 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 4 та акциядори ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (41 669 087 дона)нинг 91,87 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Саноқ комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, умумий йиғилиш кворуми борлиги тўғрисидаги 2021 йил 5 мартдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши очиқ деб эълон қилинди.

2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ў.Хайдаров, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

3. Жамият Бошқарув раисини сайлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ў.Хайдаров сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 24 ноябрдаги 268-сонли йиғилиш баённига мувофиқ, Бошқарув раиси лавозимида ишлаган Сулаймонов Акром Исомиддинович бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан “O’zagrolizing” акциядорлик жамияти

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори қабул қилингунига қадар, Отажонов Нодир Собирович жамият Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи этиб тайинланган.

Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 22 январдаги 272-сонли йиғилиш қарори билан жамият бошқарув раиси лавозимига "O`zagrolizing" акциядорлик жамияти раҳбар лавозимларига танлов ўтказиш ва уни ташкиллаштириш Регламенти" га мувофиқ танлов эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 апрелдаги 356 – қарорига асосан устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ижроия органи раҳбари ва раҳбар ўринбосари лавозимларига номзодларни кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Шу муносабат билан жамият кузатув кенгаши 2021 йил 8 февралдаги 273-сонли йиғилиш баёни қарори билан танлов натижаларини тасдиқлаб, тўпланган маълумотлар Давлат активларини бошқариш агентлигига Вазирлар Маҳкамаси билан келишиш учун тақдим этилган.

Жамият бошқарув раиси лавозимига ўтказилган танлов бўйича қуйидаги номзодлардан аризалар келиб тушган:

1. Байкуватов Мухиддин Рузикулович;
2. Каримов Бурхан Муминович;
3. Отажонов Нодир Собирович.

Жамият бошқарув раиси лавозимига юқорида келтирилган номзодлардан бирини сайлаш лозим эканлиги билдирилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

4. Жамият ташкилий ва ижроия аппарати тузилмасини янгидан тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ў.Хайдаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги ПФ–5968-сонли фармони 2–иловасининг 24–бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ–2658–сонли қарори билан тасдиқланган "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг ташкилий ва ижроия аппарати тузилмалари ўз кучини йўқотганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 59-моддасига асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасига киритилганлигини билдирди.

Республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва қарорларида қўшимча вазифа ва топшириқлар белгиланганлигини инобатга олиб,

жамиятнинг ташкилий ва ижроия аппарати тузилмаларини янгидан тасдиқлаш зарурати юзага келганлигини таъкидлади.

Шунга асосан жамият ташкилий ва ижроия аппарати тузилмасини янгидан тасдиқлаш таклиф қилинди ***(янги ташкилий ва ижроия аппарати тузилмалари илова қилинади).***

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

5. Жамиятнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган дивиденд сиёсатини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси У.Хайдаров жамият акциядорларининг 2016 йил 28 майдаги умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган жамият дивиденд сиёсати 2016-2020 йилларга мўлжалланганлигини айтиб ўтди.

Шу сабабли жамият ижроия органи томонидан жамиятнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган дивидент сиёсатини ишлаб чиқилгани, жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 9 февралдаги 274-сонли йиғилиш қарори билан маъқулланган ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тасдиғига қиритилганини билдирди ***(2021-2025 йилларга мўлжалланган дивиденд сиёсти илова қилинади).***

Ижроия органи томонидан ишлаб чиқилган ва кузатув кенгаши маъқуллаган "O`zagrolizing" акциядорлик жамиятининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган дивиденд сиёсати"ни тасдиқлаш таклиф қилинди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

Умумий йиғилиш раиси Ў.Хайдаров умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар ўз ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Саноқ комиссиясига топширишни сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Саноқ комиссияси раиси О.Сайфуллаев умумий йиғилишга қуйидагиларни эълон қилди:

Саноқ комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 4 дона бюллетен тарқатилди ва 4 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қуйидагича овоз олинди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар–йўқ.

2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ,

бетарафлар – йўқ.

3. Жамият бошқарув раиси лавозимига:

3.1. Байкуватов Мухиддин Рузикуловични сайлаш бўйича:
Овоз бериш натижалари:
Ёқлаганлар – йўқ, қаршилар – 38 280 128 дона акциялар (100%), бетарафлар – йўқ.

3.2. Каримов Бурхан Мўминовични сайлаш бўйича:
Овоз бериш натижалари:
Ёқлаганлар – йўқ, қаршилар – 38 280 128 дона акциялар (100%), бетарафлар – йўқ.

3.3. Отажонов Нодир Собирович сайлаш бўйича:
Овоз бериш натижалари:
Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100,0%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

4. Жамият ташкилий ва ижроия аппарати тузилмасини тасдиқлаш.
Овоз бериш натижалари:
Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100,0%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

5. Жамиятнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган дивиденд сиёсатини тасдиқлаш.
Овоз бериш натижалари:
Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Саноқ комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Саноқ комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда).

“O’zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Саноқ комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Сайфуллаев Одилхон Собитхон ўғли, Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович ва Салимов Набижон Қобилжон ўғлидан иборат этиб тасдиқлансин.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:
кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;
музокарага чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 дақиқадан;
овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга – 10 дақиқа;
умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга – 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. Отажонов Нодир Собирович “O`zagrolizing” акциядорлик жамияти бошқарув раиси этиб сайлансин.

4. “O`zagrolizing” акциядорлик жамиятининг ташкилий ва ижроия аппарати тузилмалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. “O`zagrolizing” акциядорлик жамиятининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган дивиденд сиёсати” тасдиқлансин (илова қилинади).

Умумий йиғилиш раиси **Ў.Хайдаров**

Котиб **Б.Валиев**

Баён тузилган сана: «09» март 2021 йил